

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

НОРМАХАМАТОВ НОДИРАЛИ СОХОБАТАЛИЕВИЧ

**СУЛЬФАТЛАНГАН ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДА
АНТИБАКТЕРИАЛ ВА АНТИВИРУС ФАОЛЛИККА ЭГА
БИОСЕЛЕКТИВ МАКРОМОЛЕКУЛЯР ТИЗИМЛАР**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Кимё фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по химическим наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on chemical science**

Нормахаматов Нодирали Сохобаталиевич

Сульфатланган полисахаридлар асосида антибактериал ва антивирус
фаолликка эга биоселектив макромолекуляр тизимлар..... 3

Нормахаматов Нодирали Сохобаталиевич

Биоселективные макромолекулярные системы антибактериального и
противовирусного действия на основе сульфатпроизводных
полисахаридов..... 29

Normakhamatov Nodirali Sokhobataliyevich

Bioselective macromolecular systems on basis of sulfated polysaccharides
having antibacterial and antiviral activities..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

НОРМАХАМАТОВ НОДИРАЛИ СОХОБАТАЛИЕВИЧ

**СУЛЬФАТЛАНГАН ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДА
АНТИБАКТЕРИАЛ ВА АНТИВИРУС ФАОЛЛИККА ЭГА
БИОСЕЛЕКТИВ МАКРОМОЛЕКУЛЯР ТИЗИМЛАР**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/K14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Тураев Аббасхан Сабирханович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Раҳманбердиев Гаппар кимё фанлари доктори, профессор Азизов Умархон Мухторович кимё фанлари доктори, профессор Мавлянов Саидмухтор Мақсудович кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик модалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2017 йил _____ куни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Салихов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А.Ахунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc)лик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инфекцион касалликларга қарши курашда патогенларнинг қуйи молекуляр биологик фаол моддаларга нисбатан тез ва осон чидамлилиқ (резистентлик) ҳосил қилиши долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда биоорганик кимё, биокимё, микробиология экспериментал усуллариининг ривожланиши дори препаратларининг патоген микроблар, вирусларга таъсирини молекуляр даражада ўрганиш ва самарадор биологик фаолликнинг юзага келиш механизмларини очиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикамизда аҳолини юқумли инфекцион касалликлардан химоя қилиш, уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, муайян натижаларга, жумладан, янги ёндашувларга асосланган, юқори самарадор, импорт ўрнини босувчи антибактериал ва антивирус препаратлар яратиш борасида натижаларга эришилди. Сўнги йилларда бактерия ва вирусларнинг ингибирланишида протеогликанларнинг роли ҳақидаги маълумотларнинг пайдо бўлиши протеогликансимон структурага эга бўлган полианион табиатли полисахаридлар, жумладан гликозаминогликанлар асосида патоген микробларни ингибирловчи хоссага эга янги авлод препаратлар яратиш учун тurtки берди. Бу борадаги ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш бўйича белгиланган вазифалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳонда патоген гликопротеинларини комплементар блокловчи полисахаридлар ва уларнинг полианион ҳосилалари (сульфатланган, фосфатланган ва ҳ.к.) асосида протеогликансимон структуралар олиш антибактериал ва антивирус фаолликларга эга макромолекуляр системалар яратиш ва патогенлар чидамлилиги (резистентлиги)ни енгувчи дори препаратлари ишлаб-чиқирилиши имконини беради. Диссертация иши натижаларининг долзарблиги ва зарурати патоген рецепторлари (гликопротеинлари) билан комплементар таъсирлашувчи ва организм соғлом хужайраларининг зарарланиши жараёнида уларнинг блокланишига олиб борувчи протеогликансимон полисахарид структуралар яратиш имконини берувчи юқорида таъкидлаб ўтилган макромолекуляр системаларни яратишдан, полианион полисахаридлар структуралари билан уларнинг антимикроб ва антивирус фаолликлари ўзаро боғлиқликларини аниқлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Полианион структурага эга полисахаридлар ва уларнинг патогенлар билан ўзаро таъсирлашувларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ягеллон университети, (Польша); Токио университетининг саноат фанлари институти; марказий илмий текшириш лабораторияси (Япония); Эрланген-Нюрнберг университети клиник ва молекуляр вирусология институти (Германия); Онтариодаги Polydex Pharmaceuticals Limited Канада фармацевтика компанияси (Канада); Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети Полимерлар кимёси ва физикаси институтларида олиб борилмоқда.

Модификацияланган полианион структурали полисахаридлар ва уларнинг биологик фаолликларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сульфатланган полиаллиламин гидрохлорид ва N-сульфатланган хитозан ҳосилалар синтез қилинган ва уларнинг А ва В типдаги грипп вирусларига таъсири аниқланган (Ягеллон университети, Польша); орттирилган иммун танқислиги синдроми вируси (ОИВ) га қарши фаолликка эга алкил олигосахаридлар, мальтогексозидлар октадецили, ламинаринпентозид додецилсульфати ва додеилламинарин олигомерлар синтезланган, ҳамда уларнинг вирусни 50% ингибирлаш самараси 0,4-0,7 мкг/мл диапазонда эканлиги аниқланган (Токио университети, Япония); табиий сульфатланган полисахаридлар жинсий йўл билан юқувчи касалликларни олдини олиш учун дори препаратлари ишлаб чиқишда муҳим объектлар эканлиги аниқланган (Эрланген-Нюрнберг университети, Германия); целлюлоза сульфати асосида «Ushercell» дори препаратининг III-фаза кенг доирадаги клиник олди синовлари ўтказилиб, *Neisseria gonorrhoeae* ва *Chlamydia trachomatis* га қарши кенг доирада антимикроб фаолликка эга бўлган контрацептив ва жинсий йўл билан юқувчи инфекцияларга қарши антибактериал препарат ишлаб чиқилган (Polydex Pharmaceuticals Limited, Канада).

Дунёда полианион структурага эга полисахаридларнинг антимикроб ва антивирус фаолликларини аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли этерификациялаш реакциялари орқали полисахаридлардан полианион

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.sciencedirect.com, <https://www.researchgate.net>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles> ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

ҳосилаларни синтез қилиш; полисахарид асосларни танлаш ва реакция шароитларини бошқариш; полианион ҳосилалар асосида антибактериал ва антивирус хоссага эга препаратлар ишлаб чиқиш; полианион табиатли полисахаридлар асосида чидамли мутант патогенларга қарши самарали препаратлар олиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Модификацияланган макромолекуляр системалар, жумладан полианион структурали полисахаридлар асосида антибактериал ва антивирус препаратлар яратиш, биоорганик кимёнинг янги йўналиши ҳисобланади ва у патоген сиртидаги гликопротеинларнинг «кулф-калит» принципи бўйича ингибирланиши (блокировкаси) га асосланади.

Хорижда, шу кунгача, турли илмий марказларда полианион табиатли табиий ва синтетик полимерларни ажратиш, уларни тавсифлаш ва биологик фаолликларини аниқлаш ишлари олиб борилган бўлсада ҳар бир муаллиф ўзи ўрганган ва маълум бир молекуляр катталиikka эга индивидуал намуналарига асосланган ҳолда ёндашуви кузатилади. Шу боис, макромолекуляр занжир кимёвий табиатининг, макромолекула узунлиги (молекуляр масса), анион гуруҳ таркиби, хусусан сульфат гуруҳ, уларнинг ангидрогексоза звеносида жойлашган ўрни (иккинчи C-2, учинчи C-3 ва олтинчи C-6 углерод атомларидаги) ва бошқа катталикларнинг антимиқроб ва антивирус фаолликларга таъсири қонуниятларини ўрнатиш имконини берувчи систематик изланишлар мавжуд эмас. Шунга кўра, патоген қобиғида жойлашган рецепторлар-гликопротеинларга комплементар, олдиндан белгиланган структурали, модификацияланган полисахаридларнинг мақсадли синтези муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистонда полисахаридларнинг полианион ҳосилаларини тадқиқ этиш, бўйича тадқиқотлар академик Х.Усмонов, проф. Ш.Наджимутдинов, проф. А.С.Тураев, проф. Г.Раҳманбердиев ва проф. А.А.Саримсоқовлар раҳбарликлари остида амалга оширилган. Карбоксиметилцеллюлоза ва унинг доривор препаратлар билан комплексларини олиш, унинг ҳосилалари асосида самарали, кенг терапевтик таъсирга эга бўлган дори воситалари яратиш бўйича Биоорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технология институтида изланишлар олиб борилмоқда. Биоорганик кимё институтида қатор йиллардан бери турли конформация ва молекуляр катталикларга эга полисахарид полианион ҳосилалар мақсадли синтези, шунингдек *in vitro* ва *in vivo* шароитида биологик (антибактериал ва антивирус) фаолликларининг уларнинг структураларига боғлиқликларини систематик аниқлаш амалга ошириб келинади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т054 «Полисахаридларнинг алмашинган сульфат ҳосилалари синтези, молекуляр характеристикаларини аниқлаш, антимиқроб фаолликларини структурага боғлиқлигини аниқлаш» (2007-

2011), ФА-Ф6-Т097 «Нишон-органлар учун янги доривор воситалар олиш мақсадида модификацияланган полисахаридлар синтези ва уларнинг биологик функциялари» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади патогенлар специфик рецепторлари билан комплементар таъсирлашувчи анион табиатли (сульфат, фосфат ва карбоксил) ўринбосарлар тутган модификацияланган полисахаридларнинг мақсадли синтези, улар асосида йўналтирилган антибактериал ва антивирус таъсирли терапевтик тизимлар яратиш ҳамда уларнинг биологик функцияларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўсимлик хом-ашёларидан белгиланган структурали полисахаридлар (галактоманнан, целлюлоза, пектин, амилоза) ажратиш усулларини ишлаб чиқиш. Кимёвий гидролитик ва ферментатив гидролиз йўли билан чизиқли ва тармоқланган структурали полисахаридлар олиш. Уларнинг физик-кимёвий хоссалари: молекуляр оғирликлари, алмашилиш даражалари, функционал гуруҳларнинг тақсимланиши, структураларини аниқлаш;

полисахаридлар модификацияси, полианион структурали целлюлоза, пектин, галактоманнан, амилозаларнинг функционал (сульфат, фосфат, карбоксил, метил) ҳосилаларини олиш. Модификацияланган полисахаридлар молекуляр катталиклари ва структураларини аниқлаш;

E.coli, *P.aeruginosa*, гепатит С ва лейкомия вируси гликопротеинлари структуралари ва хоссаларини таҳлил қилиш, аниқланган структуралар (патогенлар гликопротеинлари)нинг анион табиатли турлича функционал гуруҳлар тутган модификацияланган полисахаридлар билан таъсирлашувларини компьютер моделлаш;

модификацияланган полисахаридларнинг антимикроб (*Klebsiella pneumoniae*, *Escherichia coli-lactose positive*, *Escherichia coli-lactose negative*, *Streptococcus pyogenes*, *Streptococcus bovis*, *Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus epidermides*, *Pseudomonas aureginosa*, *Proteus mirabilis*, *Salmonella*, *Candida albicans* га қарши) ва антивирус (Молони сичқон лейкомия вируси (Mo-MuLV-Moloney murine leukemia virus га қарши), ОИВ-1 ва гепатит С (ГСВ)) фаолликларини *in vitro* шароитида аниқлаш;

модификацияланган полисахаридларнинг молекуляр катталиклари, структуралари ва конформацион ўзига хосликларини мақсадли бошқариш. Олдиндан белгиланган структурали полианион табиатга эга (моноалмашинган (С-2; С-3 ва С-6), иккиалмашинган (С-2,3 ва С-2,6), учалмашинган (С-2,3,6) сульфат ҳосилали) модификацияланган полисахаридларни олиш. Уларнинг молекуляр катталиклари, структуралари, физик-кимёвий хоссаларини ҳамда уларнинг *in vitro* ва *in vivo* шароитида антимикроб ва антивирус фаолликларини аниқлаш;

модификацияланган полисахаридларнинг антимикроб ва антивирус фаолликларининг ўзаро боғлиқликларини белгилаш ва уларнинг *E.coli*, *P.aeruginosa* бактериялари ҳамда ГСВ ва Мо-MuLV вирусларига энг

комплементар бўлган оптимал молекуляр, конформацион структураларини аниқлаш;

E.coli, *P. aeruginosa* бактериялари ҳамда ГСВ ва Мо-MuLV вирусларига энг комплементар бўлган модификацияланган полисахаридларни фармакологик аниқлаш, фармакологик таъсир доираси ва терапевтик самарадорлигини белгилаш;

полианион табиатли модификацияланган полисахаридлар асосида янги оригинал антимикроб ва антивирус препаратлар яратиш ва улар асосида қонни суюлтирувчи (Сульфогель), антивирус ҳамда антимикроб препаратлар (Бактоцел) ларни ишлаб чиқиш учун тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти пахта линтидан ажратилган целлюлоза, цитрус ва олма пектини, *Gleditsia triacanthos* ва *Styphnolóbium jarónicum* уруғларидан ажратилган галактоманнан, целлюлозадан олинган моно-алмашинган (С-2; С-3 ва С-6), икки-алмашинган (С-2,3 ва С-2,6), уч-алмашинган (С-2,3,6) сульфат ҳосилалар, фосфат ҳосилалар, иммун хужайралари, грам-манфий ва грам-мусбат бактериялар, сичқон эмбрионал фибробластлари хужайра линиялари SC-1 ва NIH 3Т3, Huh7.5.1 хужайралари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети патогенлар фаоллигини ингибирланиши натижасида уларнинг организм соғлом хужайраларига юқиши, улар ичида кўпайиш қобилятларини йўқолишига олиб келувчи, патогенлар қобик гликопротеинлари билан полианион табиатли модификацияланган полисахаридларнинг комплементар ўзаро таъсирлашувларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида биоорганик кимё усуллари (ўсимлик хом-ашёсидан биологик фаол полисахаридларни ажратиш, гидролиз ва кимёвий модификациялаш), бирикмаларнинг кимёвий структураларини аниқлаш (УФ-, ИК-, ЯМР-спектроскопия, рентгеноструктур таҳлил, реология, гел ўтказувчи хроматография, газ хроматография, термик таҳлил усуллари - ТГ/ДСК, вискозиметрия, элемент таҳлил, кондуктометрик титрлаш, спектрофотометрия) ва антивирус активликни – потенциал ингибиторлар скрининг системаси мавжуд флюорометр, антибактериал фаолликни – диско-диффузион усуллар ёрдамида аниқлаш усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алмашинган гуруҳлари макромолекула бўйлаб бир текис тақсимланган, молекуляр массаси (ММ) 10,5- 120,4 кДа ва алмашиниш даражаси (АД) 0,30-2,92 оралиғида сульфат ва ММ 6,2-72 кДа ва АД 0,15-2,45 бўлган фосфат ҳосилалар олиш имконини берувчи усуллар ишлаб чиқилган ҳамда улар асосида анион антибактериал ва антивирус дори препаратлар яратиш потенциал имкониятлари асосланган;

анион ҳосилали полисахаридлар молекуляр оғирликлари, макромолекула бўйлаб сульфат, фосфат, карбоксил алмашинган

гурухларининг ангидрогексоза звеносида жойлашувини бактерицид ва вирулицид фаолликларга таъсири исботланган;

патоген бактерияларнинг сезгирлиги модификацияланган полисахаридлар табиати ва молекуляр катталикларга боғлиқлиги, хусусан, намуналарда АДнинг ошиб бориши антибактериал фаолликнинг ошишига, фаолликнинг кескин ортиши эса АД си 1,9 дан 2,1 гача кузатилган ва бунда нисбатан ёрқин антимикроб фаоллик сульфатланган α -гексозанлар (амилоза, полигалактурон кислота, декстран)га нисбатан β -гексозанлар (целлюлоза, галактоманнан)да аниқланган;

анион ҳосилали полисахаридлар лейкомия, гепатит С ва ОИВ вирусларига қарши препаратлар яратиш учун потенциал объектлар эканлиги аниқланиб, ярим максимал ингибирлаш концентрацияси (IC_{50}) бўйича лейкомия вирусига қарши фаоллик 0,02-0,45 мкг/мл оралиғида ва АД си ортиши билан антивирус фаоллик ошиб бориши, β -структурали бириклар α -структуралиларига қараганда ёрқин антивирус фаолликка эгаллиги исботланган;

энг кичик антикоагуляцион фаолликка эга анион ҳосилали полисахаридлар синтез қилинган. Бунга ангидрогексоза звеносидаги С-2 ва С-6 углерод атомларида сульфат гуруҳи тутган сульфат полисахаридлар синтези орқали эришилган;

илк бор компьютер моделлаши орқали анион ҳосилали полисахаридларнинг организм соғлом хужайраларига патогенлар таъсирини ингибирловчи, уларнинг рецептор участкаларига блокловчи таъсирлари исботланиб, мультирезистент бактериялар (*P. Aeruginosa*, *E.coli*), вируслар (гепатит С, лейкомия, ОИВ-1) гликопротеинлари модель структуралари ва сульфатланган моносахарид (гексозалар) ҳамда модификацияланган полисахаридлар орасида интерполимер комплекслар ҳосил бўлиши имкониятлари аниқланган ва амалда бу натижалар *in vitro* ва *in vivo* шаротидаги тажрибаларда исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анион ҳосилали полисахаридлар асосида илк бора янги самарадор ва кам захарли антивирус (герпес, гепатит С, ОИВ га қарши) ва антибактериал (уропатоген ва жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатлар инфекцион бактерияларига қарши) ва антитромботик ҳамда шамоллашга қарши таъсирга эга гепаринсимон препаратлар олиш имкониятлари аниқланган. Сульфат ҳосилали полисахаридлар асосида юзага қўлланиладиган антибактериал ва антивирус препаратлар ишлаб чиқиш учун тавсиялар берилган;

таркибида сульфатланган полисахарид тутган «Бактоцел» гели олинган ва унинг антибактериал ва яра битказувчи таъсири аниқланган. «Бактоцел» гели яра битказувчи таъсирга эгаллиги ва инфекцияланган жароҳатларни тозаланиш ва битиш муддатларини 6-12 кунга қисқартириши кўрсатилган. «Левомеколь» мази билан солиштирма таҳлилда «Бактоцел» гели стафилококка (*S. aureus*) га нисбатан юқори антибактериал ва жароҳат битказувчи таъсирга эгаллиги аниқланган;

«Сульфогель» гели асосида антикоагулянт таъсирга эга юмшоқ дори шакли ишлаб чиқилган. Трисульфата целлюлоза субстанцияси ва «Сульфогель» дори шаклининг клиник олган синовлари ўтказилган. Сульфат целлюлозалар физик-кимёвий ва биологик хоссалари (антимикроб, антивирус, захарлилик, *in vitro* ва *in vivo* шароитда антикоагулянт фаоллик) аниқланиб, субстанция ва тайёр дори шаклларининг стандартизация усуллари ишлаб чиқилган. Трисульфат целлюлоза қон ивиш вақтини 3-15 марта узайтириши аниқланган. «Сульфогель»нинг антикоагулянт фаоллиги гепаринли маз билан солиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Студент критерияси ёрдамида ўртача қийматнинг ишончлилиги интервали оралиқ қийматларини ҳисоблаган ҳолда олиб борилди. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг юқори импакт факторли рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патент олинishi билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти белгиланган структурали анион ҳосилали полисахаридлар (сульфат, фосфат, карбоксил ва бошқа) мақсадли синтези ва уларнинг кенг кимёвий ва медико-биологик тадқиқ қилинганлиги, шунингдек, улар асосида патогенларнинг рецептор участкаларига бевосита таъсир этувчи ва шу орқали уларнинг соғлом хужайраларга давомли таъсирини ингибирловчи антибактериал ва антивирус препаратлар яратиш имкониятларини кўрсатилганлиги ҳисобланади. Сувда ва ишқорда эрувчан полисахаридларни ажратиш усуллари, уларни модификациялаш, физик-кимёвий усуллар орқали структураларини белгилаш биоорганик кимёнинг мазкур йўналишини ривожлантириш ва полисахаридлар асосида антибактериал ва антивирус фаолликлар намоён этувчи макромолекуляр системалар яратиш бўйича аниқ муаммоларни ечиш имконини берди. Диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида полисахаридлар кимёси соҳасида янги изланишлар олиб боришда илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сиртга қўлланилувчи оригинал антибактериал ва антивирус препаратлар «Бактоцел» (яра битказувчи ва антибактериал восита), «Сульфогель» (веналар варикоз кенгайиши ва шишларни даволаш учун), шунингдек келажакда системали антибактериал ва антивирус препаратлар яратиш имконияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сульфатланган полисахаридлар асосида антибактериал ва антивирус фаолликка эга биоселектив макромолекуляр тизимлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсимлик баргларидаги тамаки мозаикаси вируси ингибиторига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти

олинган (12.10.2010, № IAP 04603). Илмий тадқиқот натижасида қишлоқ хўжалиги ва медицинада патогенларга қарши препаратлар ишлаб чиқиш имконини берган;

полисахаридларнинг систематик модификациясини Тулейн университетининг «Полимерланиш реакцияларини автоматик узлуксиз назорати» (АСОМР- Automatic Continuous Online Monitoring of Polymerization reactions) тизимида олиб бориш давомида ишлаб чиқилган шароитлар илк бор АСОМР тизимининг табиий бирикмалар модификацияси реакцияларини узлуксиз мониторинг қилиш жараёни учун муваффақиятли қўллаш имконини берган, шунингдек рециркуляцион АСОМР конфигурациясида ҳажмий қовушқоқлик, молекуляр оғирлик ва ион-концентрацион катталиклар (электр ўтказувчанлик ва рН қиймат)ни бир вақтнинг ўзида назорат қилиш имконини берувчи янги тизим амалиётга жорий этилган (Америка Қўшма Штатлари Тулейн университетининг 2016 йил 3 ноябрдаги маълумотномаси). Бу дунё миқёсида салмоқли ютуқ бўлиб, полисахаридларни модификациялаш реакцияларининг мониторинги, бу табиий маҳсулотлар - биополимерларнинг модификацияси жараёнини назорат қилиш имконини беради;

ишлаб чиқилган модификациялаш усулларида селектив алмашинган сульфат полисахарид ҳосилалар олишда фойдаланилган (Кумамото университетининг (Япония) 2016 йил 15 ноябрдаги маълумотномаси). Антибиотикларга нисбатан мультирезистент бактериялар *St. aureus*, *St. epidermides*, *E. coli* (LN) ва *Klebsiella* га қарши полимер антибактериал композициялар яратиш имконини берган;

полисахарид ҳосилаларнинг надмолекуляр тузилишлари ва антикоагуляцион фаолликлари маълумотларидан 80 дан ортиқ хориждаги импакт-фактори (JIF) юқори илмий журналларда намуналарнинг физик-кимёвий ва фармакологик таҳлили учун фойдаланилган (*Acta biomaterialia*, 2010, V.6, №2, Journal Impact Factor, IF 6,32; *Bioresource Technology*, 2009, V.4, №2, Journal Impact Factor, IF 5,65; *Biomacromolecules*, 2011, V.6, №2, Journal Impact Factor, IF 5,25; *Carbohydrate polymers*, 2012, V.2, №2, Journal Impact Factor, IF 4,81; *Food Hydrocolloids*, 2014, V.35, №2, Journal Impact Factor, IF 4,75; *Langmuir*, 2013, V.12, №2, Journal Impact Factor, IF 3,83; *Polymer*, 2011, V.1, №2, Journal Impact Factor, IF 3,68; *Phytomedicine*, 2011, V.6, №2, Journal Impact Factor, IF 3,53; *Cellulose*, 2010, V.2, №2, Journal Impact Factor, IF 3,42). Илмий натижаларнинг қўлланилиши полисахарид эфирларининг молекуляр ва фармакологик тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 76 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 патент олинган ва 1 та патент учун ариза берилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Протеогликансимон структурали биологик актив полисахаридларнинг антимикроб ва антивирус фаолликлари»** деб номланган биринчи бобида полианион структураларга эга полисахаридлар, уларнинг патогенлар билан ўзаро таъсирлашувларини аниқлаш бўйича дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари томонидан олиб борилаётган изланишлар ҳақида адабиёт маълумотлари таҳлили келтирилган. Бу натижалар асосида, полисахарид сульфат ҳосилалар антибактериал ва антивирус, жумладан ОИВ га қарши фаолликларга эгалиги аниқланган. Протеогликансимон моддалар ёрдамида вирус ва микробларнинг ингибирланишини аниқлашга доир адабиёт манбалари (асосан фирма ва компания патентлари) мультирезистент патогенларга қарши юқори самарадорликка эга антивирус ва антибактериал препаратлар яратилишида мазкур соҳада потенциал истиқболга эгалиги кўрилди.

Жаҳон адабиётида макромолекуляр асос кимёвий табиатининг, макромолекула узунлиги (молекуляр масса), анион гуруҳ таркиби, хусусан сульфат группа, уларнинг ангидрогексоза звеносида жойлашган ўрни (иккинчи, учинчи ва олтинчи углерод атомларидаги) ва бошқа катталикларнинг антимикроб ва антивирус фаолликларга таъсири қонуниятларини ўрнатиш бўйича систематик изланишлар мавжуд эмас.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда патогенлар қобиғидаги специфик гликопротеинларга комплементар, олдиндан белгиланган структурали, анион ҳосилали модификацияланган полисахаридларнинг мақсадли синтези ва уларнинг специфик фаолликларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Шарҳ асосида ушбу иш учун объект танлаш тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Полианион структуралар олиш мақадида полисахаридларни ажратиш ва модификациялаш»** деб номланган иккинчи бобида полианион табиатли модификацияланган полисахаридларнинг йўналтирилган синтези, сульфатлаш ва фосфатлашнинг тўғридан-тўғри ва танлаб модификациялаш усуллари, олинган намуналарнинг физик-кимёвий хоссалари ва молекуляр катталикларини

аниқлаш, макромолекула барқарорлигига алмашинган гуруҳларнинг АГБда жойлашган ўринлари таъсирини аниқлаш натижалари муҳокама қилинган.

Тадқиқот объекти сифатида целлюлоза, амилоза, полигалактурон кислотаси, галактоманнанлар танлаб олинган. Мазкур полисахаридларнинг танланиши бевосита уларнинг тузилишларига боғлиқ. Бу полисахаридлар ўсимликлардан олинадиган чизиксимон полимерларга мансуб бўлиб, бу ўз навбатида тармоқланган полисахаридларга солиштирганда уларнинг таҳлил қилишни енгиллаштиради, шунингдек, сульфат ҳосилалар синтези учун хом-ашёнинг мухайёлигини таъминлайди. Шунингдек, намоён этадиган хоссаларига уларнинг молекуляр структуралари ва гликозид боғ конфигурацияларининг таъсирини кўриш ҳам қизиқарли объект саналади.

Япон софоаси (лат. *Styphnolobium japonicum*) ва *Оддий гледичия* (лат. *Gleditsia triacanthos*) уруғларидан совуқ ва иссиқ экстракция усуллари орқали галактоманнанлар ажратилди (тегишлича SJ ва GT), уларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланди (1-жадвал). Олинган намуналарнинг нисбий қовушқоқликлари ва молекуляр оғирликлари аниқланди.

Галактоманнанлар ферментатив гидролизга учратилди. Ферментатив гидролиз рН 7.5 ва 40°C ҳароратда β-галактозидаза ферменти иштирокида олиб борилди. Дастлабки ва гидролизланган полигалактоманнанлар характеристик қовушқоқликлари мос равишда 4,85 дл/г ва 3,80 дл/г ни ташкил этди. Полигалактоманнанларнинг фермент билан ишловидан сўнг молекуляр оғирликлари 95600-26200 оралиғида.

1-жадвал

Галактоманнан намуналарнинг физик-кимёвий хоссалари

Галактоманнан	Унум, %	Ман:Гал нисбати	[η], дл/г	Молекуляр оғирлик, Да
SJ-1	9,8	1,82:1	9,46	840786
SJ-2	35,2	2,3:1	11,09	1048516
GT-1	7,5	2,1:1	8,78	758037
GT-2	43,6	2,5:1	9,23	812529

Галактоманнанлар ММ қийматлари Марк-Хаувинк тенгламаси бўйича аниқланди, $K = 5.13 \times 10^{-4}$; $\alpha = 0.72$

Бошланғич ва гидролизланган полигалактоманнанлар ¹³C-ЯМР спектроскопия таҳлили галактоза:манноза нисбатларининг жиддий ўзгарганлиги, мос равишда 1:2,82 ва 1:5 ни ташкил этганлигини кўрсатди. d 5.01 ва 4.73 областдаги аномер протон сигналлари тегишлича H-1 α-D-галактоза (G) ва β-D-манноза (M) ларга хос деб олинди. M:G нисбатлари бевосита аномер сигналлари нисбий областларидан олиниши мумкин ва M:G қиймати 1,82 га тенглиги ҳисобланди. Бу қиймат эса SJ-1 намунаси учун ГХ усулида олинган қиймат (1,84) билан анча мос келади. ¹³C-ЯМР-таҳлили белгилашни осонликча идентификациялаш учун яхши сифатдаги спектр беради. ¹³C-ЯМР (d 90-110) аномер областда d 99,59 соҳасида C-1 α-D - галактоза ва d 100,7 соҳасида C-1 β-D –манноза иккита сигнални кўрсатади.

Шунингдек гуар ширасидан кислотали гидролиз орқали сувда эрувчан галактоманнан олинди. 2-жадвалда гуар ширасини кислотали гидролизи шароитлари келтирилган. Жадвалдан кўриш мумкинки, кислота

концентрациясини ошириш ва гидролиз вақтини ошириш билан ГМ ларнинг молекуляр оғирликлари кичрайиб боради. Дастлабки босқичларда гидролиз вақти юқори бўлиб, кейин пасайиб боради. Буни шу билан тушинтириш мумкинки, дастлабки босқичларда ГМ макромолекуласининг нисбатан мақбул бўлган участкалари реакцияга киришади. Шунингдек, аниқландики, олинган ГМ катталиклариға реакция муҳити таъсир қилади, хусусан гидролизни этанолли муҳитда олиб боришда, олинган ГМ ММ си нисбатан бир хиллашиб боради, яъни қисқа молекуляр массавий тақсимланиш (ММТ) га эгаллиги кўринди, бу эса макромолекуляр дори воситалари учун муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Полисахаридлар (целлюлоза, галактоманнан) макромолекуллари модификацияси этерификация жараёнида β -D –гексоза звеноларида сульфогруппаларнинг жойлашувини бошқариш имкони бўлган турлича сульфатлаш усуллари орқали олиб борилди, бу эса оқибатда белгиланган комплекс хоссали моддалар олиш имконини берди.

2-жадвал

ГМ нинг ММ сини реагентлар нисбати ва гидролиз давомийлигига боғлиқлиги
($t=82^{\circ}\text{C}$, система модули 1:11, $[\eta]$ -қиймати $20\pm 0,1^{\circ}\text{C}$ да ўлчанган)

Гидролиз вақти, мин.	Моль нисбат ГМ:НСІ	$[\eta]$ (дл/г)	ММ*	ММТ, Mw/Mn	Унум, %
Сувли муҳитдаги гидролиз					
ГВС-15	1:1,5	3,427	253031	1,491	83
ГВС-30	1:1,5	1,431	76766	1,502	64,4
ГВС-60	1:1,5	1,170	58256	1,816	48,86
ГВС-90	1:1,5	0,886	39877	1,664	33,36
ГВС-120	1:1,5	0,545	20534	2,035	17,18
Этанол муҳитдаги гидролиз					
ГОС-15	1:1,5	2,125	131744	1,54	88
ГОС-30	1:1,5	1,909	113789	1,589	76,3
ГОС-60	1:1,5	1,717	98441	1,517	62
ГОС-90	1:1,5	1,506	82273	1,379	46,5
ГОС-120	1:1,5	1,213	61217	1,380	34,8

* Галактоманнанлар ММ қийматлари Марк-Хаувинк тенгламаси бўйича аниқланди: $K = 3.8 \times 10^{-4}$; $\alpha = 0.732$.

Целлюлозанинг сульфатлаш реакциялари сульфат кислотанинг этил спирти билан аралашмаси 2:1-3:1 нисбатларда (бинар система)да ва тўйинган углеводородлар муҳитида (суспензион усул, реакция модули 4-5 мл/гр), тўғридан тўғри ва олдиндан 2 босқичли активлаш – дастлаб, сувда, кейин эса этил спиртида аниқланди.


Сульфат кислота:этил спирти аралашмасида олдиндан активлаш орқали реакция ўтказилганда намуналарнинг полимерланиш даража (ПД) си (АД си 0,23) 1400 дан (дастлабки пахта целлюлозаси) 110 гача тушиш кузатилди. Реакцияни тўйинган углеводородлар муҳитида олиб бориш СЦ ПД сини (АД=0,24) 440 гача тушишига олиб келган. Буни шу билан изохлаш мумкинки, тўйинган углеводородлар – инерт суюқлик сульфатловчи

агентнинг полисахарид материали ички қисмларга чуқур кириб бориши (структур изланишлар кўрсатишича) имконини беради ва сульфатловчи агент тўғри реакция учун сарфланади.


Инерт суюлтирувчи муҳитида 2 босқичли активлаш йўли билан сульфатлашда целлюлоза сульфат эфирлари ПД сини АД си ўзгаришига боғлиқлиги аниқланди. Бунда юқори ПД си пахта линтини сульфатлашда кузатилди. Кутилганидек, энг кичик ПД си МКЦ ни сульфатлашда кузатилди. Пахта линти мисолида ПДсини АД сига мувофиқ ўзгариши ундаги катта миқдорда аморф қисмлар мавжудлиги билан тушунтирилади. Турлича асосдаги целлюлозаларни сульфатлаш реакциясидаги бундай фарқ уларнинг структуравий ўзига хосликларидан келиб чиқади. Маълум бўлдики, целлюлозаларни сульфат кислота иштирокида сульфатлашда хатто целлюлозани дастлабки активлашда ҳам ПД 25-600 ва АД си 0,10-1,10 СЦ олиш мумкин холос.

Юқори АД ва ПД ли намуналар синтез қилиш мақсадида пахта целлюлозасини сульфатлаш хлорсульфон кислота (ХСК): пиридин комплекси билан олиб борилди. Бунда пиридин обеспечивает целлюлозани активлайди, пиридин-ХСК комплекси синтез давомида сульфатлавчи агентни ажратган ҳолда СЦнинг кислотали формасини нейтраллайди, ажралаётган водород хлоридни боғлаб, нейтралайди. Сульфатлашни ХСК пиридин комплекси билан олиб бориш ПД 150-800 ва АД 1,0-2,8 оралиғида намуналар олиш имконини беради. Бундай самарага эришилиши сульфатлавчи агент табиати билан тушунтирилади. ХСК пиридин комплекси билан сульфатлашда пиридин HSO_3Cl ни алмаштиради ва ажралган водород хлорид бир зумда пиридин билан боғланади ва қўшимча деструкция реакцияси деярли тормозланади.

Сульфатлашнинг қўлланилган усулларида тартибсиз тарқалган сульфат группали, таркибида сульфатланган ва сульфатланмаган ангидрогексозали бирликлар (АГБ) тутган композицион – бир хил булмаган макромолекулалар ҳосил бўлади. Полисахарид эфирлари, алмашинган АГБ лар ичида турлича алмашинган (моно-, ди-, три-) бирликлар бўлиши мумкин:



Газ хроматография усули билан Na-СЦ макромолекуляр матрицаси АГБ ларида сульфат гуруҳларнинг тарқалиши аниқланди. Бинар системасида олдиндан активлаб сульфатлашда афзал алмашиниш 6- углерод атомида кетиши кўрсатилди (Расм 1), алмашинишнинг тарқалиши қўйидаги схема асосида кетади $\text{C-6} \gg \text{C-2,6} \gg \text{C-3,6} = \text{C-2,3,6} = \text{C-2,3}$ (тегишлича 65%, 10%, 4%).



1 –расм. Бинар системали синтез орқали активланмаган целлюлозадан олинган СЦ нинг газ-хроматография таҳлили

Бинар системасида олдиндан активламасдан сульфатлашда алмашинишнинг тарқалиши қўйидаги схема асосида кетади $C-6 > C-2,6 > C-3,6 > C-2,3,6$ (тегишлича 62%, 15%, 5%, 6%). Сульфат ҳосилали намуналар олишнинг суспензион усули қўйидагича алмашиниш тақсимланишига олиб келади: $C-6 > C-2,6 = C-2,3,6 = C-3,6$, а при целлюлозани ХСК-пиридин комплекси билан сульфатлашда АДси 1.5 бўлган уч-алмашинган намуналар ҳосил бўлади. Олдиндан активлаганда АД си ортади. Алмашинишнинг тарқалиши қўйидаги схема асосида кетади: $C-2,3,6 > C-2 > C-6 = C-2,6 = C-3,6$.

3-жадвал

Турли эфирлаш усуллари ёрдамида олинган бир қатор целлюлоза сульфат ҳосилаларнинг молекуляр катталиклари


Ҳосилалар	Модификациялаш	АД	ПД	ММ	Шифр
Моносουλфатлар	тўғридан тўғри	0,58	230	50830	МСЦ-1
	тўғридан тўғри	0,90	197	50176	МСЦ-2
	селектив	0,78	65	15700	СЦ-О(3)
	селектив	0,86	86	21476	СЦ-О(2)
	селектив	0,98	128	33550	СЦ-О(6)
Дисульфатлар	тўғридан тўғри	1,50	216	68364	ДСЦ-1
	тўғридан тўғри	1,80	225	78165	ДСЦ-2
	тўғридан тўғри	2,00	75	25760	ДСЦ-3
	селектив	1,33	147	43756	СЦ-О(2,3)
Трисулфатлар	тўғридан тўғри	2,10	228	86184	ТСЦ-1
	тўғридан тўғри	2,12	400	152000	ТСЦ-2
	тўғридан тўғри	2,15	571	216000	ТСЦ-3
	тўғридан тўғри	2,23	40	16000	ТСЦ-4
	тўғридан тўғри	2,24	340	133280	ТСЦ-5
	тўғридан тўғри	2,25	124	48732	ТСЦ-6
	тўғридан тўғри	2,27	220	87120	ТСЦ-7
	тўғридан тўғри	2,37	496	201376	ТСЦ-8
	тўғридан тўғри	2,98	211	98895	ТСЦ-9
	тўғридан тўғри	2,90	230	105300	ТСЦ-10
	тўғридан тўғри	2,98	360	167750	ТСЦ-11

Селектив сульфатлашда АГБ лар ОН-гурухлари трифторацетат гурухлар билан химояланди. Бунда афзал алмашилиш 3- углерод атомида (87,2%) кетиши кўрилди. Гидроксил гурухларнинг алмашилиши кўйидаги схема асосида кетади: $C-3 \gg C-6 > C-2 > C-3,6 > C-2,3 = C-2,6 > C-2,3,6$.

Селектив C-6 алмашилишли сульфатлаш учун сульфоацетат целлюлозанинг аралаш мураккаб эфиридан фойдаланилди, бунда АД си 0,91 га эришиш учун эфирланиш давомийлиги 8 соатдан ошиқ муддатни ташкил этди ва бунда асосан АГБнинг 6-углерод атомида алмашилиш кетди (89,2%).

